



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА НАЗОРАТСИЗЛИК ВА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.

Эшмуродов Аббос Илёсович
*Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси
мустақил изланувчиси*

Аннотация: ушбу мақолада вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси устидан прокурор назорат самарадорлигини ошириш истиқболлари тўғрисида фикр-мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар: вояга етмаганлар, назоратсизлик, ҳуқуқбузарлик, профилактика, хорижий тажриба.

Аннотация: В статье излагаются мнения о перспективах повышения эффективности прокурорского надзора за профилактикой правонарушений и правонарушений среди несовершеннолетних.

Ключевые слова: несовершеннолетние, отсутствие надзора, правонарушения, профилактика, зарубежный опыт.

Abstract: This article provides opinions on the prospects of improving the effectiveness of the prosecutor's control over the prevention of delinquency and delinquency among minors.

Keywords: minors, lack of supervision, delinquency, prevention, foreign experience.

Ўзбекистонда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси устидан прокурор назорат самарадорлигини ошириш истиқболлари ҳақида сўз юритилганда куйидагиларга тўхталиб ўтиш лозим бўлади.

Юқорида кўриб чиқилган Германия, Россия ва бошқа давлатларнинг тажрибалари Ўзбекистонда ҳам вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида прокурор назорати тизимини янада такомиллаштириш учун қатор истиқболли йўналишлар мавжудлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва профилактика борасида муайян ислохотлар амалга оширилаётган бўлсада, халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда прокурор назорати самарадорлигини ошириш учун куйидаги таклифлар долзарб ҳисобланади.

Германия ва Россия тажрибаларида кўринадики, вояга етмаганлар билан ишлаш учун алоҳида ихтисослашган прокурорлар фаолияти самарадорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади.





Мамлакатимизда ҳам вояга етмаганлар ишлари бўйича алоҳида ихтисослашган прокурорлар фаолиятини кенгайтириш, уларнинг сони ва малакасини ошириш, вояга етмаганлар билан ишлаш методикаси ва психология бўйича доимий ўқув курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Россия ва Германияда профилактика масалаларида прокуратура, суд, ички ишлар, таълим ва ижтимоий ҳимоя органлари ўртасида тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистонда ҳам бу борада қуйидаги чораларни кўриш муҳим:

- вояга етмаганлар ишлари бўйича Идоралараро ҳамкорлик платформасини яратиш;

- вояга етмаганлар профилактикасига масъул барча органлар (прокуратура, ички ишлар, таълим, маҳалла, ижтимоий ҳимоя) ўртасида ахборот алмашинувини яхшилаш;

- ҳар чорақда идоралараро йиғилишлар ўтказиш амалиётини кучайтириш.

Россия тажрибасида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар (КДН) муҳим ўрин тутди ва уларнинг иши прокурор назоратида бўлади.

Ўзбекистонда ҳам вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг ваколатларини кенгайтириш, уларнинг фаолияти устидан прокурор назоратини кучайтириш, комиссиялар фаолиятига психологлар ва ижтимоий ходимларни жалб этиш, комиссия қарорлари ижросини таъминлаш ва прокурор текширувлари доирасида уларнинг фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиб бориш лозим.

Ҳозирги даврда рақамлаштириш жараёнлари жадал кечмоқда.

Прокуратура органлари учун махсус ахборот тизимини яратиш орқали ҳар бир назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганга электрон профилактика картотекаси очиш, ушбу картотека орқали бола ҳақидаги барча маълумотлар (оила аҳволи, таълимдаги иштироки, ҳуқуқбузарликлар тарихи, тарбиявий чоралар) бирлаштирилиши, прокурорлар томонидан мунтазам равишда ушбу картотекалар таҳлил қилиниши ва жойларда профилактика чоралари самарадорлиги баҳоланиши лозим бўлади.

Ушбу соҳадаги ўрганиш натижалари айрим йўналишларда тизимли муаммолар борлигини кўрсатди.

Хусусан, буларга қуйидагиларни келтириш мумкин:

Вояга етмаганлар билан ишлаш соҳасида идоралар фаолиятини мувофиқлаштиришдаги вазифаларнинг ўзаро такрорланаётганлиги, масъул идоралар тузилмаларида мавжуд ходимлар штат бирликлари имкониятларидан самарасиз фойдаланилаётганлиги ёки штат бирликлари кўзда тутилмаганлиги, болалар билан тизимли ва манзилли ишлаш бўйича масъул идоралар ёки ходимларида етарли билим ҳамда кўникмаларнинг мавжуд эмаслиги, жиноят, ҳуқуқбузарлик, ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва чоралар қўллаш бўйича



ягона таҳлилий майдоннинг мавжуд эмаслиги, бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш ишларининг самарали йўлга қўйилмаганлиги.

Вояга етмаганлар билан ишлаш соҳасида ягона тизимга бириктирилган идоралар фаолиятини мувофиқлаштиришдаги вазифаларнинг ўзаро такрорланишига йўл қўйилмоқда.

Мисол учун, жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича прокурор билан бир вақтнинг ўзида шу масала бўйича идоралараро комиссия (ички ишлар органлари раҳбарлари бошчилигида) вазифаларини ўзаро такрорлаяпти.

Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига масъул идоралар тузилмаларида шу йўналишда мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланилмаяпти.

Масалан, бугунги кунда болалар орасида нохуш ҳолатларни олдини олиш бўйича фақатгина **учта вазирлик** ИИБ (2 мингдан ортиқ), Халқ таълими (14 минг 937) ҳамда ўрта-махсус касб-ҳунар таълими тизимида (741) **салкам 18 минг (17778) нафар** ходимлар фаолият кўрсатмоқда.

Аммо, болалар профилактикаси ва маънавий-маърифий муҳитдаги бугунги натижалар мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланилмаётганлигини кўрсатмоқда.

Ҳолбуки, ушбу йўналишда прокуратура органларида вилоят даражасида 2-3 нафардан, ходимлар фаолият кўрсатади.

Бироқ, туман-шаҳар миқёсида Тошкент шаҳридан ташқари бошқа ҳудудларда штат кўзда тутилмаганлиги учун болалар билан ишлаш бошқа соҳа юклатилган ходимга бириктирилган.

Яъни, амалда иш ҳажмига нисбатан шу соҳада бевосита фаолият юритаётган прокуратура ходимлари салмоғи номутаносиб бўлиб, қонунийликни тўлақонли таъминлашда натижадорликка таъсир кўрсатаяпти.

Шунингдек, соҳада назоратни самарали ташкил қилишда маҳалла институти жуда муҳим ижтимоий тармоқ ҳисобланади.

Шу боис вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигини олдини олишда прокурор назорати маҳалла тизими билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозим.

Бунда асосий эътибор:

- прокурорлар томонидан маҳалла фаоллари ва ҳокимликларнинг вояга етмаганлар профилактикаси борасидаги ишларини мунтазам мониторинг қилиб бориш;

- маҳаллаларда “Оилавий масалалар бўйича маслаҳатчи” ва “Ёшлар ишлари бўйича маслаҳатчи” лавозимларини кучайтириш ва уларнинг фаолияти устидан прокуратура органларининг кузатув механизмини жорий этиш;

- маҳалла, таълим ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда, назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик хавфи юқори бўлган оилаларни дастлабки



босқичда аниқлаш ва улар билан якка тартибда ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилмоқғи лозим.

Прокурор назорати самарадорлигини оширишда жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари (ОАВ) иштирокини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу йўналишда прокуратура органлари томонидан ҳар чоракда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан очиқ ҳисоботлар бериб бориш, жамоатчилик ва ОАВ орқали ҳуқуқий маданиятни ошириш ва профилактика тадбирларини ёритишда прокурорларнинг фаол иштирокини таъминлаш ҳамда болалар ҳуқуқлари бузилиши, таълим ва оиладаги муаммолар бўйича журналистик суриштирувларни қўллаб-қувватлаш ва бундай ҳолатлар бўйича прокурор текширувларини оператив ташкил этишга устувор аҳамият бериш лозим бўлади.

Германия тажрибасида вояга етмаганларга нисбатан жазолашдан кўра тарбиявий ва реабилитациявий чоралар устувор экани кўзга ташланади.

Ўзбекистонда ҳам профилактика самарадорлигини ошириш учун:

- вояга етмаганлар томонидан содир этилган майда ҳуқуқбузарликлар бўйича диверсия усуллари жорий этиш (масалан, ишни судгача етказмасдан, жамоат ишларига жалб қилиш, маслаҳатлашувлар ташкил этиш орқали ҳал этиш);

- тарбиявий таъсир чоралари тизимини ишлаб чиқиш (масалан, вояга етмаганларни оилавий маслаҳатлашув курсларига жалб қилиш, ижтимоий хизматлар кўмагидан фойдаланиш);

- вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар сабабларини бартараф этишга қаратилган реабилитация дастурларини амалга ошириш зарур.

Россия ва Германия тажрибаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам прокурор назорати доирасида профилактика ишларини кенгайтириш зарур. Хусусан:

- Мактаблар ва маҳаллаларда прокурорлар томонидан вояга етмаганлар ва уларнинг ота-оналари ўртасида ҳуқуқий тарғибот ва тушунтириш ишларини кучайтириш;

- Қонунчилик бузилишига олиб келаётган ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича маҳаллий ва марказий органларга прокурор тақдимномалари бериш амалиётини фаоллаштириш;

- Профилактика тадбирлари натижалари бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрлаш ва жамоатчиликка етказиш тизимини жорий этиш лозим.

Вояга етмаганларни ҳисобга олишнинг талаб даражасида ташкил этилмаганлиги факти асосан прокурорлар томонидан аниқланади.

Чунки идоравий назорат қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш бўйича самарали иш натижаларини кўрсатмаяпти.



Айниқса, ижтимоий жихатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар томонидан доимий равишда ва сабабсиз мактабларда дарс машғулотларида иштирок этмайдиган ўқувчиларни ҳисобга олиш ишларини юритишда бир қатор муаммолар учрайди.

Бугунги кунда ички ишлар органи ходимлари томонидан ҳақиқатда профилактик ҳисобга олинishi керак бўлган вояга етмаганлар қолиб, уларнинг хизмат фаолиятига “хавф юзага келтирмайдиган” болалар ҳисобга қўйилмоқда.

Профилактик ҳисобга қўйилганлар сони асосан ходимлар учун “зарарсиз” бўлган ушбу тоифа вояга етмаганлар билан тўлдирилмоқда. Шунинг учун сўнгги пайтларда вояга етмаганларни профилактика ҳисобига қўйиш ваколатини бошқа давлат органларига ўтказиш бўйича ҳам таклифлар тегишли ташкилотлар томонидан ўрганилмоқда¹. Бошқача айтганда, вояга етмаганларни ҳисобга олиш институти бугунги кунда кутилган натижани бераётгани йўқ.

Прокурор фарзандларни моддий таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларидан бўйин товлаётган ёки уларни лозим даражада бажармаётган ота-оналарни аниқлаш ва бу борада профилактик ишларни олиб боради. Афсуски, барча ота-оналар ҳам ўз фарзандларининг таълим, тарбиясига масъулият билан ёндошмоқда, деб бўлмайди.

Мазкур масалани ўрганган олим У.Худоёров ота-оналарнинг ўзбошимчаликларида давлат зудлик билан муносабати билдириши лозимлигини², Б.Умирзаков ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз мажбуриятларни бажариши орқали баркамол авлодни шакллантиришга эришилиши таъкидлашган³.

Афсуски, навбатчилик қисмлари фаолиятини ўрганиш натижалари шунини кўрсатмоқдаки, қонунчиликдаги мазкур тартибга ички ишлар органи ходимлари умуман риоя қилишмаяпти. Демак, прокурорлар ички ишлар органларининг навбатчилик қисмида ушбу хабарларнинг қайд этилаётганлик ҳолатини ҳам эътибордан четда қолдирмасликлари керак.

Бугунги кунда вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлиги профилактикасига бевосита масъул бўлган ушбу бўлим фаолияти устидан прокурор назоратини амалга ошириш техникаси ва уни амалга ошириш услубиёти мавжуд эмас.

Ушбу ҳолат эса соҳада олиб бориладиган прокурор назорати сифатига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Зарур услубий тавсияларнинг мавжуд эмаслиги натижасида соҳадаги аксарият ҳолларда прокурор назорати

¹ <https://www.gazeta.uz/uz/2020/03/04/prevention/>

² Худоёров У. Вояга етмаганлар ўртасида профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. Special Issue. – С. 92-98.

³ Умирзаков Б. А. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг айрим масалалари //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – С. 141-146.



расмийчилик учун ўтказилишига, назорат шунчаки тегишли ҳисоботлар тўлдириш билан чекланишига олиб келмоқда.

Хусусан, Ю.А.Фенева вояга етмаганларни ходимлар томонидан тезкор-тадбирларига жалб этиш ҳолатларини танқид қилган⁴.

Унга кўра, бундай ҳолатлар ноқонуний деб топилиши керак. Шунинг учун олима тезкор-қидирув ходимлар томонидан уларнинг ваколат доирасидан четга чиқиш ҳолатларига прокурор томонидан тегишли тартибда муносабат билдирилиши кераклигини таъкидлаган.

Тезкор-қидирув фаолиятида шахс ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишидаги қонун бузилиши ҳолатлари ва унинг устидан прокурор назоратини ўрганган олима И.В.Литвинова фаолиятга вояга етмаганларнинг шартнома асосида иштирок этиши жараёни бўйича шикоятлар тез-тез бўлиб туришини таъкидлаган⁵.

Миллий қонунчилигимизда ҳам тезкор-қидирув тадбирлари давомида вояга етмаганлардан фойдаланиш тақиқланади.

Демак, прокурорлар тезкор-қидирув фаолиятда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларига риоя қилинишига алоҳида эътибор қаратишлари шарт. Бу масалада прокурорлар ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ягоналигини яратиш ва уни сақлаш мақсадидан келиб чиқиб, тезкор-қидирув ходимлар фаолиятини назорат қилишлари керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 139-сон буйруғининг 7.3 – бандида ҳам вояга етмаганларни ҳуқуқбузарлик содир этишга, уларни тиланчилик ёки фоҳишалик қилишга, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар, шунингдек ақл-идроққа таъсир қилувчи бошқа моддалар истеъмол қилишга жалб қилган шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўрилиши таъминланиши белгилаб қўйилган.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар қаровсизлиги, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ишлари самарадорлиги унинг ички тузилмалари ўртасидаги ҳамкорликнинг тўғри йўлга қўйилганлигига ҳам боғлиқ. Идоравий кўрсатма талабларидан келиб чиқиб вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари устидан

⁴ Фенева Юлия Андреевна Проблемы осуществления прокурорского надзора за соблюдением принципа законности в оперативно – розыскной деятельности // Научные междисциплинарные исследования. 2021. №3. URL:<https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-osuschestvleniya-prokurorskogo-nadzora-za-soblyudeniem-printsipa-zakonnosti-v-operativno-rozysknoy-deyatelnosti>

⁵ Литвинова И.В. Прокурорский надзор за соблюдением прав и свобод человека и гражданина при осуществлении оперативно-розыскной деятельности: диссертация ... кандидата юридических наук : 12.00.11.- Санкт-Петербург, 2001. С. 171.



прокурор назоратини ташкил этишда қуйидаги масалаларга аниқлик киритишга асосий эътибор қаратилиши зарур:

- конунга хилоф хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганлар ва уларнинг қонуний вакиллари томонидан якка тартибдаги профилактик ишлар олиб борилишининг ўз вақтидалиги ва сифати;
- кидирувга берилган ёки давлат ҳимоясига муҳтож бўлган вояга етмаганларни аниқлаш бўйича кўрилатган чораларининг тўлиқлиги; уларни ваколатли органларга юбориш масаласининг ўз вақтида ҳал этилганлиги;
- жавобгарликка тортиш ёшига етмаган вояга етмаганлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлиги тўғрисидаги келиб тушган хабар ва аризаларнинг кўриб чиқиши сифати; шунингдек уларнинг қонуний вакиллари томонидан вояга етмаганлар таълими, тарбияси ва таъминоти билан боғлиқ ўз мажбуриятларини бажармаслиги ҳолати;
- вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига белгиланган тартибда жойлаштириш учун уларга тааллуқли ҳужжатларни тайёрлаш ва юбориш, уларни кўриб чиқиш натижалари, профилактик тусдаги чораларнинг самарадорлиги;
- вояга етмаганлар қаровсизлиги, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси учун ўзида мавжуд бўлган ваколатлардан тўлақонли фойдаланилганлиги.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг 20%ида жиноят содир этиш вақти вояга етмаганларнинг ўқишда бўлиш пайтига тўғри келса, 80 % ҳолларда эса бу кўрсаткич уларнинг дарс машғулотларидан бўш вақтига тўғри келади.

Бу эса, назаримизда, прокуратура органлари томонидан ўтказиладиган “Давомат” тадбирлари нечоғли муҳим эканлигини кўрсатади.

Энг муҳими, вояга етмаганларга нисбатан юритиладиган жиноят ишларини фақатгина қонун талаблари асосида амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг қонунлар билан белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда нафақат ота-онасининг, балки уларнинг васий ва хомийлари, ҳимоячилари орқали ҳам таъминланишини, жиноят ишларидан ташқари фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг мулкка бўлган ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, суд муҳокамаси чоғида ҳам уларга нисбатан тайинланадиган жазонинг қонунийлигини таъминлашда судларга кўмаклашиш, судларда ва дастлабки тергов чоғида нафақат жиноят содир этган вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари балки, вояга етмаган жабрланувчилар ва гувоҳларнинг ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчиси сифатида иштирок этган чоғларида ҳам уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижросини



таъминлаш прокурор фаолиятининг ушбу соҳадаги ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш истикболлари қуйидаги асосий йўналишларда кўринади:

биринчидан, ихтисослашган прокурорлар институтини мустаҳкамлаш;
иккинчидан, идоралараро ҳамкорликни такомиллаштириш;
учинчидан, комиссиялар фаолияти устидан прокурор назоратини кучайтириш;

тўртинчидан, альтернатив тарбиявий чораларни кенг жорий этиш;
бешинчидан, прокуратуранинг профилактика ишларини фаоллаштириш;
олтинчидан, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш.

Халқаро тажриба кўрсатганидек, жазолашдан кўра, профилактика ва реабилитация устуворлиги болалар жиноятчилигининг олдини олишда энг самарали восита ҳисобланади.

Шу боис, Ўзбекистонда ҳам прокурор назорати тизимини ана шу йўналишларда ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш учун қуйидаги комплекс ёндашувлар тавсия этилади:

Ихтисослашган прокурорлар фаолиятини кучайтириш	Вояга етмаганлар ишларига комплекс ёндашув таъминланади
Ижтимоий хавф остида турган болалар базаси яратилиши	Ҳар бир бола устидан мунтазам кузатув ўрнатилади
Электрон профилактика картотекаси	Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳолати аниқ мониторинг қилинади
Ижтимоий хизматлар ва маҳалла билан ҳамкорлик	Нazorатсизлик ва ҳуқуқбузарликка олиб келувчи омиллар барвақт аниқланади
Жамоатчилик ва ОАВ билан очик мулоқот	Профилактика чораларига аҳоли жалб этилади, ишонч ошади

Бу чоралар прокурор назорати самарадорлигини сезиларли равишда оширишга хизмат қилади ҳамда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги тизими шаклланишига туртки беради.

Шуни алоҳида қайд этиш керак, вояга етмаганларни ҳуқуқбузарлигини олдини олиш ва профилактика қилишни энг самарали ва дастлабки босқичи бу –



худди шу тадбирларни ота-оналар, турли соҳаларда раҳбарлик лавозимларида ишлаётган мансабдорлардан бошлаш керак.

Сабаби улар вояга етмаганларнинг назарига тушадиган илк инсонлар ҳисобланиб, фарзандлар шуларга қараб ўртак олади.

Ушбу фикримизни далилини умри давомида соҳага оид қонунлар ва қонуности ҳужжатлар ижросини ўзи раҳбарлик қилган қанчадан-қанча жамоа ва ҳудудларга етказиш билан шуғулланиб, ўзини фарзандига етказиб бериш насиб қилмаган ота-оналарда қўришимиз мумкин.

Фарзандни тарбия қилишнинг энг оддий йўлларида бири бу ота-онанинг ўзи тарбияли бўлишидир.

ЮНИСЕФнинг маълумотларига қараганда 40 дан ортиқ мамлакатларда миллий ва минтақавий даражадаги бола ҳуқуқлари бўйича вакиллик хизматлари бола ҳуқуқларини таъминлаб беришнинг мустақил механизми функциясини бажармоқда.

Ўз навбатида мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятга, қатор халқаро ҳуқуқий-ҳужжатларга қўшилиши юртимизда вояга етмаганлар ишлари билан боғлиқ ишларни кўрувчи ювенал судьялар, ювенал прокуратура, болалар адвокатураси, назоратсиз ва ҳуқуқбузар вояга етмаганлар профилактикаси органларини ташкил этишга зарурат туғилмоқда.

Бунда асосий эътибор вояга етмаганлар иши юзасидан суд ишларини юритишда ҳар бир ҳуқуқбузар шахсига ва ҳар бир ҳуқуқбузарлик фактига ўзига хос ёндашиш, яъни индивидуал ҳолда масалани ҳал этишга қаратилади.

Шу сабабдан ҳам мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда ювенал судлов тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Айтиш керакки, ушбу тизимни йўлга қўйилиши суриштирув, тергов ва суд давомида ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганларга нисбатан, шунингдек, вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳларга нисбатан болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳуқуқий меъёрлари ва стандартлари амалга оширилишига катта ҳисса қўшади.

Бу эса ўз ўрнида вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали ва замонавий тизими вужудга келишида катта роль ўйнайди.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ишлари бўйича бўлинмалари фаолиятини ўрганиш натижалари бўйича уларнинг фаолиятида бир қатор муаммолар мавжудлиги аниқланди ва улар таҳлили қуйидагича хулосаларга келишга асос бўлади:

1) вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар штатини ошириш масаласи;



2) республика ёки ҳудудлар миқёсида вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишга, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига йўналтирилган дастурларнинг молиялаштирилмаётганлиги;

3) ижтимоий хавфли аҳволда бўлган оилаларнинг ўз вақтида аниқланмаслиги;

4) вояга етмаганларни ижтимоий фойдали фаолиятга жалб этиш, уларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этишдаши расмийлик, масъулиятсизлик, балки лаёқатсизлик;

5) фарзандининг юриш-туришидан ота-оналар назоратининг йўқлиги.

Булардан ташқари, соҳада қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий, услубий, ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларнинг масъул ходимларининг болалар билан ишлаш, шунингдек прокурорларнинг ҳам бу соҳада ўз иш фаолиятини тўғри ташкил этишлари учун ҳуқуқий билим, кўникмасини ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологларнинг турли ташкилий тадбирларга ҳам тез-тез жалб этилиши уларнинг вояга етмаганлар билан яқка тартибдаги профилактик ишларни сифатли олиб боришларига салбий таъсир қилувчи омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Улар орасида қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилиш, Е-материалга бириктириш ҳолатлари энг кўп учрайди⁶.

Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, масалан **Қозоғистон Республикасида** вояга етмаганлар масалалари бўйича инспекторлар вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги профилактикаси, болалар назоратсизлиги ва қаровсизлигининг олдини олиш билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни бажаришга жалб этилиши расман тақиқланган⁷. Соҳада сифатли иш олиб борилишига эришиш учун *мазкур масала миллий қонунчилигимизда қатъий белгиланиши* вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги профилактикасини тўғри ташкил этишга хизмат қилган бўлар эди.

Бундан ташқари, мамлакатимиз Жиноят қонунчилигидаги вояга етмаганларга нисбатан жазо қўллашни назарда тутадиган айрим нормаларини қайта кўриб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 50-моддасида катта ёшдагиларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси **бир ойдан йигирма йилгача**, 85-моддасида вояга етмаганларга нисбатан

⁶ Ўтказилган таҳлиллар давомида олинган маълумот.

⁷ Об утверждении Правил организации деятельности участковых инспекторов полиции по делам несовершеннолетних органов внутренних дел. Приказ Министра внутренних дел Республики Казахстан от 29 декабря 2015 года № 1098. Зарегистрирован в Министерстве юстиции Республики Казахстан 29 января 2016 года № 12953. <https://adilet.zan.kz/rus/docs/V1500012953>



озодликдан махрум қилиш жазоси олти ойдан ўн йилгача муддатга тайинланиши белгиланган.

Шу сабабли, мазкур нормани қайта кўриб чиқиб, вояга етмаганларга тайинланадиган озодликдан махрум қилиш жазосини минимал муддатини катта ёшдагиларга нисбатан камайитириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Об утверждении Правил организации деятельности участковых инспекторов полиции по делам несовершеннолетних органов внутренних дел. Приказ Министра внутренних дел Республики Казахстан от 29 декабря 2015 года № 1098. Зарегистрирован в Министерстве юстиции Республики Казахстан 29 января 2016 года № 12953. <https://adilet.zan.kz/rus/docs/V1500012953>

2. Фенева Юлия Андреевна Проблемы осуществления прокурорского надзора за соблюдением принципа законности в оперативно – розыскной деятельности // Научные междисциплинарные исследования. 2021. №3. URL: <https://cyberle-ninka.ru/article/n/problemy-osuschestvleniya-prokurorskogo-nadzora-za-soblyudeniem-printsipa-zakonnosti-v-operativno-rozysknoy-deyatelnosti>

3. Литвинова И.В. Прокурорский надзор за соблюдением прав и свобод человека и гражданина при осуществлении оперативно-розыскной деятельности: диссертация ... кандидата юридических наук : 12.00.11.- Санкт-Петербург, 2001. С. 171.

4. Глазкова, Н. И. Прокурорский надзор за исполнением законов о профилактике безнадзорности, правонарушений и преступности несовершеннолетних / Н. И. Глазкова // Пенитенциарная система и общество: опыт взаимодействия : сборник материалов IV Международной научно-практической конференции, Пермь, 04–06 апреля 2017 года. – Пермь: Пермский институт Федеральной службы исполнения наказаний, 2017. – С. 355-358. – EDN KUOJEI. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=38171016>

5. “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 16.09.2016 йилдаги ЎРҚ-407-сон. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 438-модда; 28.10.2022 й., 03/22/797/0967-сон). <https://lex.uz/docs/3027843>

6. Абреимова, А. В. Организация и проведение прокурорских проверок за исполнением органами внутренних дел законодательства о профилактике безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних / А. В. Абреимова // Современные тенденции развития юриспруденции, экономики и управления : сборник материалов межрегиональной научной конференции, Елец, 18 апреля 2019 года. – Елец: Елецкий государственный университет им. И.А. Бунина, 2019. – С. 171-174. – EDN NOIXKM. <https://elibrary.ru/item.asp?id=41291924>



7. Тхакумачев Б.Ю. Предмет прокурорского надзора за исполнением законов о несовершеннолетних органами внутренних дел // Вестник МПА ВПА (сборник научных трудов). Вып.3. Правовое и экономическое обеспечение цифровизации профессионального образования: проблемы и решения. Тула., МПА ВПА. - 2023.- 255 с.<http://mpavpa.ru/files/IUSSE-3.pdf#page=92>

8. Тузельбаев, Е. О. Прокурорский надзор, осуществляющий контроль за деятельностью местной полиции в сфере профилактики правонарушений среди несовершеннолетних и работой центров временной изоляции несовершеннолетних / Е. О. Тузельбаев, А. Б. Байбулатов // Наука. – 2019. – № 4(63). – С. 102-107. – EDN PGTTXG. <https://elibrary.ru/item.asp?id=44472475>

9. Крутских, С. С. Прокурорский надзор за законностью деятельности подразделений по делам несовершеннолетних органов внутренних дел Российской Федерации / С. С. Крутских // Современные научные исследования и разработки. – 2017. – № 4(12). – С. 157-160. – EDN ZAEUIR. <https://elibrary.ru/item.asp?id=29711845>

10. Беженцев А.А. Соблюдение законности в деятельности органов внутренних дел по профилактике правонарушений несовершеннолетних: перспективы совершенствования // Вестник Московского университета МВД России. 2018. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/soblyudenie-zakonnosti-v-deyatelnosti-organov-vnutrennih-del-po-profilaktike-pravonarusheniy-nesovershennoletnih-perspektivy>

